

**СУРХОН-ШЕРОБОД БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ
ФЛОРАСИНИНГ АРЕАЛ ТИПЛАРИ БЎЙИЧА ТАРҚАЛИШИ
РАСПРЕДЕЛЕНИЕ ФЛОРЫ СУРХАН-ШЕРОБАДСКОГО БОТАНО-
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЛАСТИ ПО ТИПАМ АРЕАЛА
TYPES OF PLANT AREAS OF THE BOTANIC-GEOGRAPHIC
REGION OF SURKHAN-SHERABAD**

Н.Т. Ачилова - Жиззах политехника институти доценти

Н. К. Журабаева – Мухтар Ауэзов номли Қозоғистон университети
катта ўқитувчиси

N. Achilova - Associate Professor of Jizzakh Polytechnic Institute

N. Jorabaeva- Senior Lecturer of Mukhtar Auezov Kazakhstan
University

Аннотация: Мақолада Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони ўсимликлари 41 ареал типлари ва 7 ареал синфлари бўйича тақсимланди, Помиролой ареал синфи 8 тип 118 тур, Тоғлиўртаосиё ареал синфи 4 тип 32 тур, Ўртаосиё ареал синфи 6 тип 109 тур, Қадимийўртаерденгизи ареал синфи мансуб турлар 9 тип 288 тур, Палеарктик ареал синфи 12 тип 120 тур, Голарктик ареал синфи 24 тур, Пљурирегионал ареал синфи 97 турдан иборатлиги аниқланган.

Калит сўзлар: Сурхон-Шеробод, ботаник-географик, ареал, тип, тур.

Аннотация: Растения Сурхан-Шерабадского ботанико-географического района разделены на 41 типов и 7 классов ареала, Памиролойскому ареальному классу насчитывает 8 тип ареалов и 118 видов, Горнесреднеазиатскому ареальному классу насчитывает 4 тип ареалов и 32 видов, Среднеазиатскому 6 тип ареалов и 109 видов, Древнесредиземноморскому 9 тип ареалов и 288 видов, Палеарктическому

12 тип ареалов и 120 видов, Голарктическому ареальному классу 24 видов, Плурирегиональному ареальному классу 97 видов.

Ключевые слова: Сурхан-Шерабадский, ботанико-географический, ареал, тип, вид.

Annotation: Plants of the Surkhan-Sherabad botanical-geographical region are divided into 41 types and 7 range classes, The Pamiroloy areal class includes 8 types of areas and 118 species, Mountain Central Asian areal class includes 4 types of areas and 32 species, Central Asian 6 types and 109 species, Ancient Mediterraneansea 9 types and 288 species, Palaearctic 12 types and 120 species, Holarctic areal class 24 species, Pluregional areal class 97 species.

Keywords: Surkhan-Sherabad, botanical-geographical, area, type, species.

Тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бирини флора таркибидаги ўсимлик турларининг географик таҳлили эгаллайди. Бу ҳолат тадқиқот ҳудудида қайси географик элементлар устунлик қилиши ва уларнинг ландшафт ва ўсимликлар қопламининг асосий типлари бўйича тарқалишини аниқлашдан иборат. Тадқиқот давомида флора таркибида турлар сонига кўра етакчилик қиладиган айрим географик элементларнинг тарқалишидаги ўзига хос хусусиятлар, бу элементларга мансуб бўлган турлар ва ўсимликлар қопламининг асосий типлари бўйича тақсимланиши каби масалала тадқиқ этилади.

Ареал типларини аниқлашда Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти Миллий гербарий (TASH) фондидаги ва 2013-2020 йилларда Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида терилган гербарий намуналари, “Определитель растений Средней Азии” (1968-2016), “Флора Узбекистана” (1941-1962), “Флора СССР” (1934-1960) асарларидан ҳамда www.catalogueoflife.org, www.efloras.org, www.gbif.org, интернет сайтларидан фойдаланилган. Шунингдек, ареал типларини ва

уларнинг иреархиясини аниқлашда Р.В. Камелин (1973), А.Л Тахтажан (1978), Л.С. Красовская ва И.Г. Левичев (1986), В.В. Протопопова (2012), шу билан бирга Ўзбекистоннинг турли худудларининг локал флоралари бўйича чоп этилган ишлар (Тожибаев 2010, Ибрагимов 2009, Батошев 2016, Тургинов 2017, Азимова 2018) ўрганилган.

Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида сўнги йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида худуда 65 оила 359 туркумга мансуб 788 тур тарқалганлиги аниқланди ва Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасида тарқалган турларнинг табиий тарқалиш чегарасини ўрганиш асосида 41 ареал типлари таснифланди. Бу ареал типлари 7 та ареал синфлари таркибига жамланган.

Сурхон-Шеробод типи (16 тур ёки ,8% умумий флорага нисбатан)[1].

Кухитанг-Сурхон-Шеробод типи (2 тур ёки 0,25% умумий флорага нисбатан). Жануби-ғарбий-Ҳисор типи (4 тур ёки 0,5% умумий флорага нисбатан)[1]. Ҳисор типи (8 тур ёки 1,1% умумий флорага нисбатан). Жануби-ғарбийпомиролой типи (35 тур ёки 4,5% умумий флорага нисбатан). Жанубийпомиролой типи (27 тур ёки 3,5% умумий флорага нисбатан). Ғарбийпомиролой типи (12 тур ёки 1,6% умумий флорага нисбатан). Помиролой типи (13 тур ёки 1,7% умумий флорага нисбатан). Ғарбийтиёншон-ғарбийпомиролой типи (7 тур ёки 0,9% умумий флорага нисбатан). Ғарбийтиёншон-помиролой типи (13 тур ёки 1,7% умумий флорага нисбатан). Тиёншон-Помиролой типи (7 тур ёки 0,9% умумий флорага нисбатан). Тоғлиўртаосиё типи (5 тур ёки 0,65% умумий флорага нисбатан). Қизилқум-Сурхон-Шеробод типи (1 тур ёки 0,1% умумий флорага нисбатан). Копетдоғ-помиролой типи (7 тур ёки 0,9% умумий флорага нисбатан). Копетдоғ-тоғлиўртаосиё типи (5 тур ёки 0,65% умумий флорага нисбатан). Тарбағатой-тоғлиўртаосиё типи (9 тур ёки 1,1% умумий флорага нисбатан). Турон типи (39 тур ёки 4,9% умумий флорага нисбатан). Ўртаосиё типи (47 тур ёки 6,1% умумий флорага нисбатан).

Ҳимолойолди типи (4 тур ёки 0,5% умумий флорага нисбатан). Эрон типи (72 тур ёки 9,3% умумий флорага нисбатан). Эрон-тоғлиўртаосиё типи (2 тур ёки 0,25% умумий флорага нисбатан). Эрон-ўртаосиё типи (44 тур ёки 5,7% умумий флорага нисбатан). Эрон-ҳимолойолди типи (20 тур ёки 2,6% умумий флорага нисбатан). Эрон-қашқар типи (9 тур ёки 1,2% умумий флорага нисбатан). Кавказ-ўртаосиё типи (4 тур ёки 0,5% умумий флорага нисбатан). Шарқийқадимийўртаерденгизи типи (68 тур ёки 8,8% умумий флорага нисбатан). Қадимийўртаерденгизи типи (61 тур ёки 7,9% умумий флорага нисбатан). Олтой-ўртаосиё типи (1 тур ёки 0,1% умумий флорага нисбатан). Олтой-ҳимолойолди типи (3 тур ёки 0,4% умумий флорага нисбатан). Сибир-ўртаосиё типи (7 тур ёки 0,9% умумий флорага нисбатан). Сибир-эрон типи (9 тур ёки 1,2% умумий флорага нисбатан). Сибир-ҳимолойолди типи (2 тур ёки 0,25% умумий флорага нисбатан). Ўртаосиё-шарқийосиё типи (1 тур ёки 0,1% умумий флорага нисбатан). Евро-ўртаосиё типи. (1 тур ёки 0,1% умумий флорага нисбатан). Евро-сибир-ўртаосиё типи (4 тур ёки 0,5% умумий флорага нисбатан). Евро-шарқийқадимийўртаерденгизи типи (4 тур ёки 0,5% умумий флорага нисбатан). Евро-қадимийўртаерденгизи типи (29 тур ёки 3,7% умумий флорага нисбатан). Ўртаполеарктик типи (9 тур ёки 1,2% умумий флорага нисбатан). Полеарктик типи (47 тур ёки 6,1% умумий флорага нисбатан). Голарктика типи (23 тур ёки 3% умумий флорага нисбатан). Плюрирегионал тип (96 тур ёки 2,4% умумий флорага нисбатан)[8].

Хулоса ўрнида, турларнинг ареал типлари бўйича тақсимланишининг таҳлилига кўра, Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони ўсимликлари 41 ареал типлари ва 7 ареал синфлари бўйича тақсимланди, Помиролой ареал синфи 8 тип, Тоғлиўртаосиё ареал синфи 4 тип, Ўртаосиё ареал синфи 6 тип, Қадимийўртаерденгизи ареал синфи мансуб турлар 9 тип, Палеарктик ареал синфи 12 тип, Голарктик ареал синфи, Плюрирегионал ареал синфларидан иборатлиги аниқланди. Помир

Олой ареал синфига мансуб бўлган турлар Помир Олойнинг автохтон турларидан иборат эканлиги аниқланди, Қадимийўртаерденгизи ареал синфига мансуб турлар сонининг кўплиги билан биринчи ўринни эгаллайди (284 тур), улар асосан терофит турлардан иборат эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географического районирование Узбекистана // Ботанические журнал. – Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). – С. 1105-1130.
2. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – 356 б.
3. Тахтаджян А.Л. Флористические области Земли. – Л.: Наука, 1978. – 246 б.
4. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. В I-X. Т. - Ташкент: Фан, 1968 – 2016.
5. Флора Узбекистана. В 6 т. – Ташкент: изд. АН УзССР, 1941-1963.
6. Флора СССР. В 30 т. М.Л.: изд. АН СССР, 1934-1960
7. Protopopova V.V., Shevera M.V. and Fedoronchuk M.M. The geographical analysis of apophytes fraction of urban floras of Ukraine // Thaiszia journal of botany – Košice. 2012. – №22 (2) – 181-189 pp.
8. Қодиров, У.Х., Акбаров, Ф.И ва бошқалар. Ургут ботаник-географик райони флорасидаги Роасеае оиласи турларининг ареал типлари. // НамДУ илмий ахборотномаси. – Наманган. 2019. – №4 69-74 б.